O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
310309




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 20 март, № 58 (4721) Жума


# ИСТЕЪДОДЛИ, БИЛИМЛИ ВА ИНТИЛУВЧАН ЁШЛАР

## она-Ватанимизнинг порлоқ келажагини яратувчи беқиёс кучдир

***Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, ёшларнинг энг замонавий билим даргоҳларида илм ўрганиши ва ҳунар эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратилаяпти.***

ТАЪЛИМ

Бундай беқиёс имконият ва ғамхўрликлар ўз самарасини бераётганлиги ўғил-қизларнинг мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари, маданият ва санъат фестиваллари, спорт мусобақаларида эришаётган ғалабалари мисолида ўз ифодасини топаётир. Ўтган йили кимё фани бўйича ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида 13 нафар ҳамюртимиз муваффақиятли қатнашганлиги ва бизнинг терма жамоа умумжамоа ҳисобида олий ўринга муносиб деб топилганлиги бунинг яққол тасдиғидир. Ушбу нуфузли беллашувда олтин ҳамда кумуш медаль билан тақдирланган икки истеъдод эгаси Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги табиий фанларга ихтисослашган академик лицей ўқувчиларидир.

— Фарзандларимиз орасида иқтидорли ўғил-қизлар кўп, — дейди лицей директори Ортиқбой Эшонқулов. — Ўқувчиларимизнинг мавжуд истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш учун таълим даргоҳида барча имкониятлар етарли. Лицейда замонавий лаборатория ва лингафон хоналари, интернет тармоғига уланган энг сўнгги русумли компьютер жиҳозлари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*Қашқадарёда “Кредит — кичик бизнесга қувват” мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги банк раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этдилар.*

### Кредит — кичик бизнесга қувват

Тадбирда ўтган йили тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 75,9 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилгани, жорий йилда эса мазкур кўрсаткич 101 миллиард сўмни ташкил этиши таъкидлаб ўтилди. Айни пайтда иштирокчилар соҳани ривожлантиришда тижорат банкларининг ўрни юқори эканлиги ва бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига эътибор қаратишди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Жиззахда “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган “Ёшларнинг ҳар бирига бир тупдан кўчат” акцияси давом этмоқда.*

### Ҳар бир ёшга бир туп кўчат

Ўтган бир ой давомида вилоятнинг азму шижоатли ёшлари 15 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишди. Шу билан бирга, вилоятдаги 13 та боғни оталиққа олиб, дарахтларга шакл беришди. Эътиборлиси, ҳар ким ўзи ўтқазган кўчатни йил бўйи парваришлайди.

Мазкур акция давомида яна 10 минг туп кўчат ўтқазиш, янги гулзорлар барпо этиш режалаштирилган.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Самарқанд туманида “Гулободмебель” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ.*

### Сифат ва суръат уйғунлиги

Шунга қарамай, корхонада тайёрланаётган юмшоқ мебель, уй-рўзғор, ошхона ва идора жиҳозлари нафақат Самарқандда, балки бошқа вилоятларда ҳам ўз харидорини топмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш суръатини оширишга алоҳида эътибор берилаётир. Мисол учун, ўтган йили ойига ўртача 80 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг дастлабки ойларида бу кўрсаткич 125 миллион сўмни ташкил этди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Урганч шаҳрида “Самхоз-шифер” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.*

### Урганч шиферлари

Айни пайтда бу ерда замонавий дастгоҳларни ўрнатиш юмушлари бажарилмоқда. Бунинг учун жами 2,5 миллиард сўм инвестиция жалб этилган бўлиб, ҳозирга қадар 470 миллион сўмлик иш амалга оширилди.

Айтиш лозимки, мазкур корхона фаолиятини бошлагач, кунига 5 минг дона сифатли шифер ишлаб чиқарилади. Шунингдек, 200 нафар киши иш билан таъминланади.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Пойтахтимиздаги миллий санъат марказида “Болажонлар-ширинтойлар – 2009” болалар модаси фестивали ниҳоясига етди.*

### Болажонлар тақдирланди

Фестивалда ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият юритаётган ёш дизайнер-модельерларнинг элликка яқин тўпламидан жой олган уч юз етмишдан зиёд либос намойиш этилди. "Мактаб формаси", "Байрамона либос", "Спорт либослари" каби йўналишларда ўтказилган танловда Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази аъзолари Раъно Зоҳидова, Турғуной Олимова, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари Фотима ва Зуҳра Муҳамедова, Наргиза Отажонова ва бошқалар ғолибликни қўлга киритишди.

**Н. ҲАЛИМОВА.**

П. Морвиж:

## «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ТАРАҚҚИЁТНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА»

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби хорижий мамлакатлар сиёсий, иқтисодий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари, ОАВ вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.***

Жумладан, шу кунларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг китобига америкалик таниқли олим, «Глобал илмий нашрлар» маркази директори, Нью-Йорк давлат университети профессори доктор П. Морвижнинг шарҳи олинди.

«Ўзига хос «глобал қишлоқ»қа айланган дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодий муаммоларга дуч келаётган бир пайтда Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлигида иқтисодий ўсиш ва тараққиёт моделига айланди, — дейди олим. — МДҲнинг айрим давлатлари сингари дунёдаги энг йирик нефть экспортчиларидан бири бўлмаган Ўзбекистон, сўнгги беш йил ичида, ялпи ички маҳсулотнинг 7, 8 ва ҳатто 9 фоизгача ўсишига эришди. 2008 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ўсиб, 109 фоизни ташкил этди. Энг муҳими шундаки, Ўзбекистон саноатидаги ўсиш 112,7 фоизни, жумладан, истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги ўсиш 117,7 фоизга етди. Бу натижаларга дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида деиндустриализация хавфи ҳамда глобал инқирознинг жадал ўсиб бораётган Осиё мамлакат-

**Дунё нигоҳи**

ларига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсири атрофидаги баҳс-мунозаралар авж олиб бораётган бир шароитда эришилди».

П. Морвиж иккита асосий иқтисодий кўрсаткичга алоҳида тўхталиб, унинг фикрича, айнан улар Ўзбекистонга глобал иқтисодий инқироз таъсиридан анчайин енгил қутилиш имконини беради:

— Биринчидан, — дейди олим, — Ўзбекистон ташқи миллий қарз билан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўртасидаги мутаносиблик бўйича дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бирига эга бўлиб, у кўрсаткич мамлакат миллий иқтисодиётининг ўтган йилги ҳажмига нисбатан 13,3 фоизни ташкил этган. Мазкур рақам Ўзбекистоннинг умумий қарзини, яъни нафақат давлат, балки Ўзбекистон банклари, корпорациялари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг қарзларини ҳам қамраб олади. Бошқа МДҲ мамлакатларининг ташқи қарзлари тўғрисидаги маълумотларга назар соладиган бўлсак, улар нақадар оғир аҳволда қолгани аён бўлади.

Иккинчидан, ташқи савдо айланмасидаги профицит ҳажми. Ўтган йили Ўзбекистон ташқи савдо операцияларидаги ижобий сальдо 4 миллиард доллардан ошиб, бу мамлакат валюта захираларининг тўпланиши ва тез суръатда ўсишига хизмат қилди. 2008 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошган бўлса, товар ва хизматлар экспортидаги ўсиш 28,7 фоизни ташкил этди. Бу умидлантирадиган омил бўлиб, экспорт доимо ҳар қандай мамлакат, айниқса, аҳолиси кўп бўлган мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

«Ташаббус — 2009»

*Қорақалпоғистон Республикасида “Ташаббус — 2009” кўрик-танловида қатнашувчилар сони олдинги йилдагидан анча кўп бўлди.*

### Илғор тажрибалар тарғиботи

Мисол учун, танловнинг шаҳар ва туман босқичида жами 1096 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этган бўлса, шулардан 46 нафари якуний босқичга йўлланмани қўлга киритиш учун ўзаро беллашди.

Кўрик-танловда экспортбоп ва импорт ўрни босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида юксак натижаларга эришиб, иқтисодиёт тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлик субъектларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, асосий уч йўналишдан ташқари, қўшимча равишда "Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Йилнинг ёш фермери", "Йилнинг энг мурувватли тадбиркори" каби номинацияларнинг ташкил қилингани эътиборга моликдир.

Якунда "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича биринчи ўрин Нукус шаҳридаги "Нур-Айзада" хусусий фирмаси раҳбари Айзада Нуримбетовага, "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича биринчи ўрин Тўрткўл туманидаги "Фаровонлик" фермер хўжалиги раҳбари Арслонбек Абдуллаевга, "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича биринчи ўрин эса Нукус шаҳридаги "Промин-вест" масъулияти чекланган жамияти раиси Сарахон Қўйлибоевага берилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясида бўлиб ўтди. Унда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ўздонмаҳсулот» АК тизими корхоналаридаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.***

Тадбирда таъкидландики, ушбу масала, аввало, компаниянинг Кузатув кенгашлари ва бошқарув раислари иштирокида кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида муҳокама этилган. Бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Тизим корхоналари фаолияти ўрганилганда, маълум бўлдики, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойиллари ва бошқарувни такомиллаштириш, бизнес-режаларни тасдиқлаш каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ва Адлия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган. Бу, ўз навбатида, компания тизимидаги корхоналар ҳуқуқий ҳужжат нормалари асосида фаолият юритаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, йиғилишда «Ўздонмаҳсулот» АК ва унинг тизимидаги корхоналарда қўмитанинг мазкур Қонуннинг ижро этилиши ҳақидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар борлигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, бунда акциядорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аввало, акцияларга дивидендларни ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлаш, ички аудит ва тафтиш комиссиялари имкониятларидан самарали фойдаланишдаги мавжуд муаммолар депутатлар томонидан қайд этилди. Шунингдек, тизимдаги баъзи корхоналарда ҳисоб-китоб ишлари ва тўлов интизомидаги камчиликлар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



## Қишлоқларимиз янада обод бўлади

**2009** йилда республикамизнинг қишлоқ жойларида **1856** та маиший хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилади.

**Сартарошхона, ҳаммом, кийим, пойабзал тикиш ва таъмирлаш корхоналари, фотосалон ҳамда устахоналардан иборат ана шу объектларнинг бунёд этилиши натижасида қишлоқларимиз янада обод бўлади.**

Яхши хабар

### Янги спорт мажмуаси

*Асака шаҳрида “ЎзДонгВонКо” қўшма корхонаси томонидан спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

Замонавий андозалар асосида барпо этилган мазкур мажмуада корхона жамоаси ҳамда асакалик юзлаб ёшлар спортнинг ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланишлари мумкин.

**М. ҚУРБОНОВ.**

# «ЎЗКИМЁСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон кимёгарлари номидан халқимизни

**Наврўз**

байрами билан самимий муборакбод этади!

*Ушбу баҳор айёми ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака келтирсин.*

*Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва эзгу ниятлари амалга ошишини тилаймиз!*



# «НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

*давлат корхонаси меҳнат жамоаси*

кўп миллатли Ўзбекистон халқини умумхалқ байрами —

**НАВРЎЗ**

билан муборакбод этади!

Табиатнинг уйғониши, борлиқнинг янгиланиши барчамизга янги куч, эзгу ниятлар ва яхшиликлар бахш этсин!

Барчага мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик, орзу-ниятларининг ижобат бўлишини, жонажон юртимизнинг равнақи йўлидаги шижоатли меҳнатларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз!



# O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» жамоаси барча юртдошларимизни

## НАВРЎЗ айёми билан табриклайди!

**Ушбу байрам арафасида «Ўзсаноатқурилишбанк» «Наврўз туҳфаси» ютуқли омонати бўйича 1- ютуқ тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИНИ эълон қилади!**

Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақа рақамларига чиқди:

| № т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисобварақ рақами | № т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисобварақ рақами | № т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисобварақ рақами | № т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисобварақ рақами | № т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисобварақ рақами | № т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисобварақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 30 | 3 | 26 | 15 | 149 | 51 | 45 | 310 | 76 | 25 | 484 | 101 | 15 | 627 | 126 | 15 | 802 |
| 2 | 45 | 6 | 27 | 20 | 155 | 52 | 35 | 314 | 77 | 25 | 486 | 102 | 25 | 631 | 127 | 50 | 803 |
| 3 | 45 | 23 | 28 | 15 | 165 | 53 | 20 | 319 | 78 | 40 | 489 | 103 | 15 | 639 | 128 | 40 | 814 |
| 4 | 30 | 26 | 29 | 15 | 180 | 54 | 15 | 324 | 79 | 20 | 493 | 104 | 45 | 651 | 129 | 25 | 820 |
| 5 | 15 | 30 | 30 | 30 | 187 | 55 | 45 | 327 | 80 | 40 | 501 | 105 | 40 | 661 | 130 | 15 | 822 |
| 6 | 35 | 31 | 31 | 50 | 188 | 56 | 20 | 331 | 81 | 40 | 507 | 106 | 25 | 669 | 131 | 35 | 831 |
| 7 | 25 | 35 | 32 | 35 | 190 | 57 | 30 | 332 | 82 | 20 | 510 | 107 | 15 | 677 | 132 | 20 | 834 |
| 8 | 15 | 42 | 33 | 35 | 204 | 58 | 20 | 334 | 83 | 35 | 514 | 108 | 20 | 678 | 133 | 25 | 835 |
| 9 | 45 | 51 | 34 | 30 | 206 | 59 | 35 | 338 | 84 | 25 | 519 | 109 | 25 | 686 | 134 | 50 | 844 |
| 10 | 20 | 58 | 35 | 25 | 211 | 60 | 15 | 345 | 85 | 35 | 544 | 110 | 35 | 689 | 135 | 40 | 846 |
| 11 | 15 | 66 | 36 | 25 | 225 | 61 | 40 | 350 | 86 | 25 | 547 | 111 | 50 | 695 | 136 | 45 | 856 |
| 12 | 25 | 72 | 37 | 20 | 233 | 62 | 25 | 352 | 87 | 20 | 563 | 112 | 25 | 713 | 137 | 35 | 867 |
| 13 | 30 | 84 | 38 | 15 | 238 | 63 | 15 | 358 | 88 | 15 | 575 | 113 | 15 | 722 | 138 | 30 | 880 |
| 14 | 25 | 85 | 39 | 40 | 242 | 64 | 20 | 359 | 89 | 40 | 577 | 114 | 20 | 723 | 139 | 30 | 881 |
| 15 | 35 | 99 | 40 | 15 | 249 | 65 | 35 | 363 | 90 | 40 | 582 | 115 | 25 | 730 | 140 | 15 | 882 |
| 16 | 30 | 103 | 41 | 20 | 253 | 66 | 15 | 387 | 91 | 30 | 587 | 116 | 30 | 738 | 141 | 20 | 892 |
| 17 | 40 | 109 | 42 | 30 | 262 | 67 | 50 | 389 | 92 | 50 | 591 | 117 | 15 | 744 | 142 | 50 | 897 |
| 18 | 30 | 110 | 43 | 15 | 264 | 68 | 50 | 417 | 93 | 20 | 592 | 118 | 20 | 745 | 143 | 20 | 920 |
| 19 | 40 | 116 | 44 | 40 | 270 | 69 | 15 | 428 | 94 | 30 | 596 | 119 | 30 | 756 | 144 | 20 | 924 |
| 20 | 35 | 117 | 45 | 40 | 272 | 70 | 15 | 436 | 95 | 20 | 599 | 120 | 20 | 757 | 145 | 25 | 942 |
| 21 | 45 | 121 | 46 | 20 | 277 | 71 | 20 | 437 | 96 | 30 | 600 | 121 | 20 | 763 | 146 | 15 | 945 |
| 22 | 15 | 134 | 47 | 20 | 279 | 72 | 30 | 447 | 97 | 20 | 604 | 122 | 50 | 768 | 147 | 15 | 963 |
| 23 | 20 | 143 | 48 | 30 | 284 | 73 | 50 | 456 | 98 | 40 | 613 | 123 | 15 | 779 | 148 | 45 | 974 |
| 24 | 35 | 147 | 49 | 15 | 301 | 74 | 30 | 470 | 99 | 20 | 614 | 124 | 30 | 784 | 149 | 25 | 978 |
| 25 | 15 | 148 | 50 | 25 | 303 | 75 | 20 | 473 | 100 | 20 | 623 | 125 | 35 | 799 | 150 | 45 | 1000 |

**ИЗОҲ: Ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқли ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агарда ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, ундан кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек. Мисол учун: НТ-3, НТ-1003, НТ-2003, НТ-3003 ва ҳ.к.**

*Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқади ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.*

**Вақт давомида синалган ишонч!**

Маълумот учун телефон: 120-45-24

Хизматлар лицензияланган.

# «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»

## АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

O'ZDONMAHSULOT

бутун
Ўзбекистон халқини
яшариш ва янгиланиш байрами —

**Наврўз**



айёми билан
самимий муборакбод
этади!

Наврўз
ҳар бир хонадонга
тинчлик, хотиржамлик,
бахт-саодат ва тўкинлик
олиб келсин.



226R/231

## «Ўзбекистон металлургия комбинати» АИБ жамоаси

серкуёш республикамизнинг кўп миллатли
халқини она-табиатнинг янгиланиши ва яшариши
рамзи бўлмиш кўҳна ва навқирон

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади!

Ушбу байрам ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик,
файзу барака, тўкин-сочинлик олиб келсин!

Гуллаб-яшнаётган Ватанимиз тараққиёти
йўлида амалга ошираётган эзгу ишларимизга
омад ёр бўлсин!



# «Максам Чирчиқ»

## очиқ акциядорлик жамияти

барча кимёгарлар номидан
азиз ватандошларимизни

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

билан самимий
муборакбод этади!

Юртимизда Наврўз шодиёналари
бошланиб, баҳорий кайфият
ҳукм сураётган ушбу фараҳли
дамларда сиз, азизларга бахт
ва омад, соғлиқ-омонлик, барча
эзгу ниятларингиз рўёбга
чиқишини тилаймиз!



«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ «ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

## ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

**04/09-сонли тендер савдосига қўшимча қилинганлиги тўғрисида эълон қилади.**

**Лот № 1.** Ғишт ишлаб чиқарувчи завод қурилиши (лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш, қуриш ва ишлатиб бериш).

**Лот № 2.** 35VP18R/54 типидаги қозонхона панели ва қувурларини етказиб бериш (техник топшириқ иловасига мувофиқ).

**Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.**

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

*Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони. Тел.: (998 75) 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: group_hr@sgcc.uz*

Ҳурматли ҳамюртлар, ҳамкорлар
ва ҳамкасблар!
«Ипотекабанк» сизни энг улуғ,
энг азиз Наврўз байрами
билан муборакбод этади!
Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч, баҳорий
кайфият, Ватанимиз равнақи,
юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган
ишларингизда ривож тилайди.

*«Ипотекабанк» барча турдаги банк хизматларини кўрсатади ва банк хизматидан қулай фойдаланишга имконият яратган ҳолда молия оламида мўлжал олишга, маблағингизни жозибали омонатларга жойлаштиришга ёрдам беради.*

IPOTEKA BANK

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

BANK IPAK YO'LI

# «Ипак йўли»
## банки жамоаси

*Ўзбекистон халқини
ва ўз мижозларини
янгиланиш ва уйғониш
байрами бўлмиш*

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

*билан чин қалбдан
табриклайди!*

*Сизга сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат ва муваффақиятлар
тилайди!*

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

барча Ватандошларимизни баҳор ва уйғониш, янгиланиш, яшариш байрами бўлмиш

**Наврўзи олам**

билан самимий
муборакбод этади!






*Ушбу қутлуғ айём барчамизга
хушкайфият, битмас-туганмас
қувончлар бахш этсин.*

*Ватанимиз янада обод
бўлсин, гуллаб-яшнайверсин.*

*Ҳар бир оилага бугунгидан-да зиёда қут-барака,
бахту саодатлар насиб этсин!*

# «ЎЗПАХТАСАНОАТ»

**уюшмаси меҳнат жамоаси**

Ўзбекистон халқини

**НАВРЎЗ АЙЁМИ**

билан муборакбод этади!

*Барчага мустаҳкам соғлиқ, эзгу орзуларининг рўёбга чиқиши ва ишларига омад тилайди.*

---

# Азиз юртдошлар!

**ҲАМКОРБАНК**

юртимиз аҳлини ва ўз мижозларини

**НАВРЎЗИ ОЛАМ —**

янгиланиш ва яшариш айёми билан самимий қутлайди!

*Хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга кут-барака истаб, халқимиз фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди.*

*Баҳорий кайфият қалбингизни йил бўйи тарк этмасин.*

---

AMANTAYTAU GOLDFIELDS AGF

## Hurmatli do`stlar!

«Oxus» kompaniyalari guruhlarining O`zbekiston Respublikasidagi vakolatxonasi hamda «Omontoytou Goldfields» qo`shma korxonasi jamoalari

sizlarga o`z hurmatini izhor etadi va O`zbekiston xalqini Navro`z ayyomi bilan chin dildan tabriklaydi!

O`zbekiston xalqiga sihat-salomatlik, ulkan yutuqlar va farovonlik tilaydi!

---

ALSKOM

# «ALSKOM»

суғурта компанияси жамоаси

Ўзбекистон халқини баҳор байрами —

**НАВРЎЗ АЙЁМИ**

билан чин қалбдан муборакбод этади!

---

**Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари «Ҳунарманд» уюшмаси**

## Сиз, азиз юртдошларимизни Наврўзи олам байрами билан самимий қутлайди!

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик, оилавий тотувлик, баҳорий кайфият тилайди.*

*Янгиланиш ва яшариш фасли бўлмиш баҳор ва Наврўз айёми сизга қувонч, шодлик, омад ва бахт-саодат олиб келсин!*

*Байрамингиз муборак бўлсин!*

---

*Мухтарам газетхон!*
*Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: DAD@POST.UZ

# ЯХШИ ОДАМ — КЎЗИДАН, ЯХШИ ЙИЛ — НАВРЎЗИДАН МАЪЛУМ

*Байрам ўзи нима? Бу саволга дабдурустдан жавоб бериш осон эмас. Бироқ байрамни "Бирор-бир улуғвор воқеани тантанали нишонлаш" десак, фикримча, ушбу изоҳ тўғри жавоблардан бири бўлади, ҳақиқатга яқин келади. Умуман, байрамларга турлича изоҳ берилиши, улар эса бир-бирларини тўлдираверишии муқаррар.*

## ОЗОД ХАЛҚНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

**Фахр**

Бироқ байрамнинг байрам бўлиши учун муҳим бир шарт бор. Байрам сунъий бўлмаслиги керак. Байрам қанчалик табиий бўлса, халқ уни шунчалик якдиллик билан нишонлайди. Истиқлол байрамлари ана шундай юракка яқин байрамлардир. Шунинг учун ҳам биз уларни соғиниб кутамиз, дадил одим ва ишончли ютуқлар билан қарши олишга интиламиз.

Ёруғ юз, улкан муваффақият, эзгу орзулар билан кутиб олинадиган айёмнинг умри боқийдир. Наврўз ана шундай эзгу орзу-истакларимизнинг, азалий удумларимизнинг кўзгусидир. Болалик йилларимизда Наврўзни ҳар қанча соғиниб, хуморимиз тутгудек кутсак ҳам, уни муносиб қарши ололмасдик. Бунга имконсиз, иложсиз эдик. Аждодларимиздан мерос бўлиб келган бу байрамни турлича номлар билан қоралашгани-қоралашган эди. Ўша пайтлари агар биров «Бир кун келиб, бу байрам маҳалла-овулларда, шаҳарларда кенг миқёсда нишонланади», деса, ҳеч ким ишонмасди. Бугун эса бу ишончсизликларни айтсак ёшларимиз кулиб қўйишади.

Истибдод тузуми давридаёқ Ислом Каримов жасорати билан Наврўз тикланди. Бу тикланиш халқимиз учун беқиёс тухфа бўлди. Наврўз тимсолида биз ўзимизни, ўзлигимизни англай бошладик.

Наврўзни интиқлик билан кутиб, унинг кенг миқёсда нишонланишини ўйлаб, беихтиёр "Биз шунга муносибмизми, йўқми?" деган сўроқ кўнглимиздан ўтади. Шукрки, тантаналарда айтгулик ютуқлар, муваффақиятларимиз талайгина. Изчил олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли бу ютуқлар янада бўй кўрсатмоқда.

Тўғри, камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар йўқ эмас. Аммо ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсат замирида эл-юрт фаровонлигини ошириш бош мақсад қилиб қўйилган. Бугуни ўтиб, эртаси мавҳум туюлган кундан оғири йўқ. Ахир кўраяпмиз, эшитаяпмиз: қайсидир мамлакатда уруш олови сачраб, тинчлик деган қутлуғ неъматга путур етмоқда. Фисқ-фасод, фитналар боис бегуноҳ одамлар, норасида гўдаклар нобуд бўлмоқда. Эртанги кунга умид йўқ. Касаллик хуружи...

Кўз тегмасин, бизнинг юртимизда буюк келажак учун жадал ишлар амалга оширилаяпти. Одамлар саломатлигини асрашдан тортиб ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламга ғамхўрлик кўрсатишдек савобга йўғрилган ишлар давлатимиз сиёсатига айланган.

Ёшларга эътиборли бўлиш, илм чўққиларини забт этишга имконият яратиш, уйли-жойли бўлишини таъминлаш, муаммоларини бартараф этиш — айнан Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мағзини ташкил этади. Бундай юксак эътибор ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, урф-одатларимизга садоқат туйғуларининг шаклланишида ўзига хос омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, Наврўзга ҳамоҳанг эзгу фазилатлар ҳам ёшларимиз тарбиясида беқиёс аҳамиятга эга.

Озод халқнинг боқий байрами қутлуғ бўлсин! Айём муборак!

**Матназар АБДУЛҲАКИМ.**



*Наврўз — ҳамманинг байрами. Ҳар бир киши бу шодиёнани ўзига хос тадбиру совға-саломлари билан нишонлайди. Қумқўрғонлик Холмирза Муродов — ўқитувчи. Аммо боғбонликка меҳр қўйган инсон. Қайси бир Наврўзда даштдан ярим гектарча ер очиб кўчат қадовди. Кейинги Наврўзларда ўша бодомзори гуллаб, чаманзорга айланиб кетди. Бу чаманзоридан мўл ҳосил кўтариб, "Нексия" сотиб олди. Холмирза ҳар йили 10 минг туп бодом кўчат етиштиради. Сара нав кўчатларининг 9 мингтасини сотади. Қолганини Наврўз совғаси сифатида улашади: мактабга, қўни-қўшниларга, узоқ-яқиндаги биродарларга.*

## АҲИЛЛИК СИНОАТИ

**Қадрият**

Жарқўрғон туманидаги "Ҳайитобод" маҳалласидан Юсуф Алибоевнинг ҳиммати янада антиқароқ. Ҳовлисию кўчасини боғ-роққа буркагани баробарида Сурхон дарёсининг қирғоғига туташ соҳилларида юлғин, ёввойи жийда ва бошқа қумлоққа бардошли дарахтларни ўстиради. Шу тариқа у яйдоқ соҳилда оз эмас, олтмиш гектарлик ўрмон яратди. Қушларни, ёввойи ҳайвонларни кўпайтирди.

Ҳамқишлоқлари энди Юсуф аканинг ўрмонига юлғун чопгани ё қуш овлагани бормайдилар. Аксинча, унинг хайрли ишларига кўмаклашишга ошиқадилар. Наврўз кунлари эса болалар ўрмонга бориб, қушларга дон-дун сочадилар.

Чиндан ҳам қадриятларимизнинг гулдастаси бўлмиш Наврўз ҳикматларга бой. Бир вақтлар ошхонада сомса учун хамир ийлаган деновлик Иброҳим Нажимов дориламон замонларга етиб, тадбиркору мулкдор бўлди. Кўп тармоқли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонасини очди. Хорижий юртларга борди. Корхонасини янги технологиялар билан жиҳозлади. Ва у Наврўздан бу Наврўзга қадар қарийб 500 та янги иш ўрни очди. Атайин Наврўз тухфаси деб у ёшлар учун янги спорт мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширяпти.

Ўтган йили атиги 30 та ишчи-хизматчиси билан қарийб бир миллиард сўмлик буюртмани бажарган "Термиз-қурилиш-монтаж-5" жамоасининг қадами етган узоқ-узоқ қишлоқларда газ ёнади. Йўллар созланади. Техника воситалари янги. Маошлари устига мукофотлар ҳам олишади.

Вилоят "Матлуботсавдо" кооператив-ишлаб чиқариш бирлашмаси 56 та қишлоқда мўъжаз дўконлар қурилишини давом эттираётган бўлса, "Боболочин" маҳалласидан Жўра Намозов исмли санъат шинавандаси ўз хонадонида фольклор-этнографик қўшиқлар тўгарагини очиб, болаларга Наврўз қўшиқларини ўргатди. Ангорлик фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Исахон Баҳромов ўз маҳалласида катта гузар қуриш учун пойдевор ташлаган бўлса, нефтни қайта ишлайдиган Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси касаначиларини яна ўнтага кўпайтирди.

Баҳор яхши келди. Яйловларда ўт-ўлан тиззага урди. Чорвадор хурсанд. Деҳқон ерга сочган уруғ ниш отди. Деҳқоннинг кўнгли мунаввар. Шу Наврўзда юз ёшга кирган Сайдилла бобо Маматраимовни мактаб ўқувчилари совға-салом келтириб табриклашди. Қарияларимизнинг бошлари осмонда. Тозаланган, таъмирланган ариқларимизда тўлиб сув оқмоқда. Бу ризқ-рўзимиз бутунлигига кафолат.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





— *Бунчалар гўзал-а...*

Комилжон УРАЗИМБЕТОВ сурат-лавҳаси.

## ҚУТЛУҒ АЙЁМ УДУМЛАРИ

***Наврўз — меҳр-мурувват, инсонпарварлик байрами. Барча замонларда Наврўз орқали халқнинг маънавий дунёси намойиш этилган, турмуш тарзи, орзу-ўйлари, гўзалликка, нафосатга бўлган муносабати ифодаланган. Ушбу хосиятли байрамни нишонлашнинг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар даврлар ўтиши билан мазмунан бойиб, такомиллашиб келмоқда.***

● Наврўз — баҳор байрами ҳамда форс ва туркий халқларда янги йилнинг биринчи куни. «Наврўз» сўзи форсчадан таржима қилинганда «янги кун» маъносини беради. Эрон, шунингдек, Марказий Осиё ва Кавказда Наврўз 21 март куни нишонланади.

● **Мамлакатимиз пойтахтида ўтказиладиган анъанавий Наврўз тантанаси дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатларига тўғридан-тўғри узатилади.**

● Қадимда аждодларимиз Наврўз кунлари қишки манзиллари — қишлоқлардан ёзги меҳнат ва ҳордиқ масканлари — ёзлоқларга кўчиб ўтишган. Далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган. Оммавий равишда мевали, манзарали дарахтлар ўтқазилган.

● **Аждодларимиз Наврўз байрамига атаб махсус кийимлар тикишган ва уларни кийиб, байрам қилишган. Наврўз таомлари ҳам ўзига хос бўлган. Улар орасида, айниқса, сумалак, ҳалим тайёрлаш анъанавий бўлган.**

● Байрам кунлари турли-туман халқ ўйинлари, баҳор қўшиқлари ижро этилган. Китобхонликлар, турли мусобақалар ташкил этилган. Қизиқчилик, аскиябозлик, дор ўйинлари ва бошқа томошалар уюштирилган.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Олтин дарвоза" ижодий мусиқали театри ўзининг наврўзолди тадбирларини бошлади. Кеча Тошкентдаги Фотосуратчилар уйида театр жамоасининг "Гуллаётир боғда бинафша"деб номланган илк тадбири бўлиб ўтди.

## Бинафша жозибаси

Ушбу кечани уюштиришдан асосий мақсад халқимизни жаҳон санъати дурдоналаридан баҳраманд этиш, мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли миллатлар маданияти, урф-одати ва анъаналарини тараннум этишдан иборатдир.

Тадбир иштирокчилари рок мусиқаси ижрочиси Жанна Ким, хонанда Нурмуҳаммад Муҳаммедов, созанда Виктория Сапарованинг чиқишларини ўзгача бир меҳр билан қарши олишган бўлса, Николай Ильиннинг Ватан мадҳи, баҳор, муҳаббатни тараннум этувчи шеърлари уларга баҳорий кайфият бахш этди.

**С. АЪЗАМХЎЖАЕВА.**

***Наврўзнинг боқийлиги нимада? Нега бу айёмни асрлар оша ардоқлаб, қадрлаб келаяпмиз? Ушбу саволларга жавоб излаган ҳар бир юртдошимиз Наврўзнинг қадр-қиммати, аҳамиятини янада теранроқ англаши тайин. Юртимизнинг бир гуруҳ таниқли кишилари бу борадаги фикрларини изҳор этишди.***

## ЭЗГУ ИШЛАР ИШТИЁҚИ

**Муяссар РАЗЗОҚОВА,**
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти:**

— Инсон ширин орзуларидан куч олиб яшайди. Маълум муддат, айтайлик, бир йил давомида ўз олдингизга қўйган мақсад-режаларингизнинг барчасини амалга оширишга улгура олмаслигингиз мумкин. Ана шундай пайтда янги йилга умид боғлайсиз. Наврўз — биз учун янги орзулар рўёбига йўл очувчи кўприк, умид остонаси. Ана шундай кайфият, мўъжизаларга ишонч туйғуси билан айёмни қарши олсангиз, йил давомида ўзингизни мўъжизалар яратишга қодирдек ҳис қиласиз.

**Дил сўзи**

Бу айёмга меҳрим бўлакча. Шу туфайли Наврўзни тараннум этувчи кўплаб қўшиқлар яратдим. Ҳисоб қилсам, бугунга қадар опера жанрида яратган бундай қўшиқларим сони 12 тага етибди. Йилдан-йилга файз-шукуҳи ортиб бораётган Наврўзнинг бу йилги шодиёналари янги ижодий муваффақиятлар сари йўл очса, ажаб эмас.



**Абдулла ТАНГРИЕВ,**
**«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, спортчи:**

— *Наврўзни чинакам спорт сайли, дейишимиз ҳам мумкин. Бир томонда кўпкари, бир томонда билаги кучга тўлган паҳлавонларнинг тош кўтариш баҳси ва яна бир томонда кураш арқон тортиш беллашувлари... Болалик чоғларимизда ана шундай беллашувларда чиниққанмиз. Энг қизиғи, Наврўз мусобақаларида мағлублар бўлмасди. Шу куни ютган ҳам, ютқизган ҳам — ғолиб. Бу — байрамга хос анъана. Шу орқали тенг-тўшлар бир-биримизнинг кучимизни, маҳоратимизни синовдан ўтказиб олардик. Кураги ерга теккан полвонни ҳеч ким изза қилмасди, аксинча, рақибига «Байрам сийлови қилди» маъносида ҳазилга йўйиларди. Бундан даврага чиққанларнинг ҳам, томошаталабларнинг ҳам кайфияти чоғ бўларди. Бугун юртимизнинг қишлоғу овул, шаҳару маҳаллаларида Наврўз сайиллари шундай кўтаринкилик билан ўтаётганини кўриб қувонаман.*

**Тоҳир САИДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Одатда, байрамларни эл орасида, халқ хизматида ўтказамиз. Лекин шуниси қизиқки, Наврўзда ҳамма санъаткорга айланади. Момоларимизнинг қадимий лапару ўланларини тинглаб, қиз-жувонларнинг шўх-шодон рақсларини томоша қилиб, тўғриси, санъат аҳли ҳам лол бўлиб қолади. Бу табиат мўъжизаси!

Яқинда телевизорда юртимизнинг олис овулида бўлиб ўтган Наврўз сайлини кўрсатишди. Кенг яйдоқликка ўтов тиккан турли миллат вакиллари Наврўз билан боғлиқ ўз удумларини адо этишмоқда. Бу шодиёналар гарчи юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги Наврўз тантаналаридан бирмунча фарқли бўлса-да, уларни бирлаштириб турадиган жиҳат — эзгулик, эртанги кунни эзгу ишлар билан бошлаш иштиёқи. Зеро, халқ орасида кунни чоғ кайфият билан бошласанг, ишинг бароридан келади, деган гап юради. Наврўз — Шарқ тақвимига кўра, йилбоши. Демак, Наврўз шодиёналари орқали йилни хушкайфият билан бошласак, эртанги кунимиз ҳам баракали бўлади.

## ТОҒ ҚЎЙНИДА БАҲОР НАФАСИ

***Кўклам нафасидан юртимизга илиқлик югурган бир пайтда довон ошиб, Фарғона вилоятининг Қатрон тоғлари қўйнидаги ажиб гўша — Сўхга қадам қўйсангиз, қишнинг сўниқ ҳарорати вужудингизни чимчилайди, қор ҳиди димоққа урилади.***

**Халқ сайли**

Водий бугун яшилликка, гулга бурканган, бу ерда эса новдаларга энди бодроқ югуради. Бир сўз билан айтганда, чор-атрофи тоғлар билан ўралган гўша эндигина баҳор сепига безанаяпти.

Чашма — Сўхнинг энг чекка қишлоқларидан бири, бир томони Қатрон, яна бир томони Ҳайдаркон тизмаларига туташ баҳаво гўша. Тоғлик кексаларнинг айтишича, Сўхда одамларнинг ўтроқлашиши айнан шу қишлоқдан бошланган экан. Боиси, Чашма фақат қишлоқ номигина эмас. Бу ерда неча минг йиллардан бери ер остидан қишин-ёзин 3-4 даража ҳароратда бўладиган зилол булоқ суви қайнаб чиқади. Чашма суви шу даражада шаффоф ва шифобахшки, вилоятдаги бир неча лабораториялардаги текширувлар натижаси ҳам буни тасдиқлайди.

Яқинда Чашма қишлоғида Наврўз байрамига бағишлаб катта шодиёна, халқ сайли бўлиб ўтди. Қишлоқда ўзбек, қирғиз, тожик миллатига мансуб аҳоли аҳил-иноқ яшаб келишмоқда. Тадбирда элни қутлаган Чашманинг оқсоқолу кайвонилари ҳам буни эътироф этишди. Чашмада Наврўз сайли совғаю сийловларсиз ўтмайди. Бунинг ташаббускорлари — қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари бўлса, ҳомийлари — шу ерлик саховатпеша инсонлар. Жумладан, шодиёнада ўнлаб оилаларга совғалар улашилди. Қишлоқнинг ёш футболчилар жамоаси аъзоларига эса спорт кийимлари тортиқ этилди. Сайил томошасида Чашманинг иқтидорли ёшлари ўз куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этди.

Тоғ қўйнидаги сайил кун бўйи давом этди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ОБ-ҲАВО

**(20-24 март)**

Бугун ва эртага мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 0-5 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

22-23 март кунлари вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. 24 мартда эса ҳаво очиқ бўлади.

Шамол ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. 22-23 март кунлари айрим жойларда унинг тезлиги 15-20 метргача етиши мумкин. 22 мартдан 24 мартга қадар ҳарорат тунда 5-10, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, 20-21 ҳамда 24 март кунлари ёғингарчилик кутилмайди. 22-23 мартда эса вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Бугун ва эртага кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади. 22-24 мартда эса тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 22.50